



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 27 » dekabr № 891

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини қонунчиликка мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қонунчиликка мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “ 27 ” декабрдаги 891-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

Кўчирма.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларидаги 9 ва 9¹-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

9.	Ички ишлар вазирлиги	Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммасидан ташқари.	40
		Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммаси (тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ҳамда тегишли оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ҳамда божхона органлари томонидан ундирилган жарима суммаси бундан мустасно).	48,5
		Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун Давлат божхона қўмитаси томонидан ундирилган жарима суммаси.	23,5
		Автомобилотранспорт воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун тўлов суммаси.	8
		Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар.	8
		Ички ишлар органларининг ташаббуси билан аниқланган ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатлари бўйича давлат манфаатларига етказилган зарарларни ундиришдан тушган маблағлар.	10

		Чикиш ва кириш визалари берилганлиги, улар муддатининг узайтирилганлиги, вақтинча турган жой бўйича рўйхатга олинганлиги, доимий яшаш учун ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги учун давлат божлари.	8
		Тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ундирилган жарима суммаси: тизим жорий этилиб, ишга туширилган кундан бошлаб бир йил давомида; тизим жорий этилиб, ишга туширилганидан бир йил ўтган кундан бошлаб.	8,5 13,5
9 ¹	Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси	Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммасидан ташқари.	10
		Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш бўйича йиғимлар.	40
		Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммасининг Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ажратилиши белгиланган қисми.	1,5

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорида:

а) 2-иловада:

8-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Давлат акция пакетлари хорижий инвесторларга “Тошкент” РФБ савдолари орқали хорижий валютада сотилиши ва улар бўйича тўловлар шартномада белгиланган валютада амалга оширилиши мумкин”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Тасдиқланган хусусийлаштириш дастурига мувофиқ Агентлик ёки унинг худудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ мол-мулк ва молиявий мажбуриятларини инвентаризациядан ўтказиш тўғрисида эмитентга ёзма талабнома юборилади”;

24-бандда:

биринчи хатбошидаги “Хатловдан” сўзи “Инвентаризациядан” сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Давлат акцияларини хусусийлаштиришга тайёрлашда Эмитент раҳбари томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Агентлик томонидан белгиланган шаклга мувофиқ, Эмитент раҳбари томонидан тасдиқланган асосий воситаларни инвентаризациядан ўтказиш далолатномалари;

кўчмас мулкка ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

Эмитент раҳбари томонидан тасдиқланган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), таркибий бўлинмалари ва коммуникация тармоқлари тўғрисидаги маълумотлар;

корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнининг технологик ва экологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик хулосалари, шунингдек корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан комплекс таҳлилий ҳисоботи;

Эмитентнинг молиявий ҳисоботлари ва ўтган ҳисобот йили натижалари тўғрисидаги аудиторлик хулосаси;

давлат акцияларини хусусийлаштиришнинг танланган усулига мувофиқ бошқа ҳужжатлар”;

27-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда давлат акциялари биржа савдоларига чиқарилганда ҳамда баҳолаш халқаро нуфузга эга аудиторлик компанияларининг Ўзбекистонда белгиланган тартибда фаолият юритаётган шубба корхоналари томонидан амалга оширилганда давлат акцияларини баҳолаш ҳисоботлари ҳаққонийлигини мажбурий экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди”;

40¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“40¹. Давлат акциялари харидорнинг чегирмани бериш ҳақидаги электрон аризасига мувофиқ, сотиб олиш тўловлари бир ой муддатда тўланишини назарда тутувчи биржа битими тузилиб, харид тўловлари биржа битими тузилган кундан бошлаб бир ой давомида тўланган тақдирда, харидорга харид суммасидан мазкур битим тузилган санада кучда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида чегирма берилади, бундан чегирма қўлланилмаслик шарти билан сотилган, шунингдек бошланғич нархи пасайтирилган ҳолда сотилган давлат акциялари мустасно.

Бунда харидорга сотиб олиш тўловларини мазкур чегирмани қўллаган ҳолда тўлаш имкони берилади”;

93-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“тузилган шартнома доирасида юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан, биринчи навбатда медиация тартиб-таомилини амалга ошириш”;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишлича бешинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

96-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“96. Давлат акцияларини сотишда юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан, биринчи навбатда медиация тартиб-таомили амалга оширилади.

Медиатив келишувга эришилмаган тақдирда, низолар ва даъволар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади”;

1-илованинг 2-босқичи “Тадбирлар” устунининг 1 ва 2-бандларидаги тегишли келишиқдаги “хатлов” сўзлари тегишли келишиқдаги “инвентаризация” сўзлари билан алмаштирилсин;

4 – 9-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-иловада:

15-банддаги “хатловдан” сўзи “инвентаризациядан” сўзи билан алмаштирилсин;

16-бандда:

биринчи хатбошидаги “Хатловдан” сўзи “Инвентаризациядан” сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Давлат улушини хусусийлаштиришга тайёрлашда жамият раҳбари томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Агентлик томонидан белгиланган шаклга мувофиқ, жамият раҳбари томонидан тасдиқланган асосий воситаларни инвентаризациядан ўтказиш далолатномалари;

кўчмас мулкка ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

жамият раҳбари томонидан тасдиқланган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), таркибий бўлинмалари ва коммуникация тармоқлари тўғрисидаги маълумотлар;

корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнининг технологик ва экологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик хулосалари, шунингдек корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан комплекс таҳлилий ҳисоботи;

жамиятнинг молиявий ҳисоботлари ва ўтган ҳисобот йили натижалари тўғрисидаги аудиторлик хулосаси;

давлат улушини хусусийлаштиришнинг танланган усулига мувофиқ бошқа ҳужжатлар”;

78-банднинг еттинчи хатбошиси “низоларни ҳал қилиш тартиби,” сўзларидан кейин “юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан, биринчи навбатда медиация тартиб-таомилини амалга ошириш,” сўзлари билан тўлдирилсин;

85-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“85. Давлат улушлари харидорнинг чегирмани бериш ҳақидаги ёзма (электрон) аризасига мувофиқ, сотиб олиш тўловлари бир ой муддатда тўланишини назарда тутувчи олди-сотди шартномаси тузилиб, харид тўловлари шартнома тузилган кундан бошлаб бир ой давомида тўланган тақдирда, харидорга харид суммасидан мазкур шартнома тузилган санада кучда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдорида чегирма берилади, бундан чегирма қўлланилмаслик шarti билан сотилган, шунингдек бошланғич нархи пасайтирилган ҳолда сотилган давлат улушлари мустасно.

Бунда харидорга сотиб олиш тўловларини мазкур чегирмани қўллаган ҳолда тўлаш имкони берилади”;

99-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“99. Давлат улушларини савдоларда сотишда юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан, биринчи навбатда медиация тартиб-таомили амалга оширилади.

Медиатив келишувга эришилмаган тақдирда низолар ва даъволар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади”;

1-иловининг 2-босқичи “Тадбирлар” устуни биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “хатловдан” сўзи “инвентаризациядан” сўзи билан алмаштирилсин;

4 – 9-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 4-иловада:

15-банддаги “хатловдан” сўзи “инвентаризациядан” сўзи билан алмаштирилсин;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Сотилаётган давлат кўчмас мулк объектнинг инвентаризациядан ўтказилишини ташкил этиш ва ўтказиш Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўтказилган инвентаризация яқунларига кўра Агентлик томонидан тасдиқланган шакллар бўйича тегишли инвентаризациядан ўтказиш далолатномалари тузилади ҳамда балансда сакловчининг раҳбари томонидан имзоланади”;

22-банднинг иккинчи хатбошисидаги “хатловдан” сўзи “инвентаризациядан” сўзи билан алмаштирилсин;

29-банднинг биринчи хатбошисидаги “ва риелторлик ташкилоти ўртасида” сўзлари “билан” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги III¹ бўлим билан тўлдирилсин:

“III¹. Ижарачи томонидан давлат кўчмас мулк объектини сотиб олиш тартиби

29¹. Сотилаётган давлат кўчмас мулк объекти ижарага берилган бўлса, ушбу объектнинг ижарачиси мазкур Низомнинг 29²-бандидаги талабларга мос келганда тўғридан-тўғри олди-сотди шартномасини тузиш орқали сотиб олиш мумкин.

29². Давлат кўчмас мулк объекти қуйидаги талабларнинг барчасини бажарган ижарачига олди-сотди шартномасини тузиш ҳуқуқи берилади:

2024 йил 1 январга қадар тузилган ижара шартномалари бўйича ижарага олганига камида беш йил бўлганда;

ижара шартномаси “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали тузилганда;

объектда капитал таъмирлаш, модернизация қилиш, теварак-атрофини ободонлаштириш ва бино-иншоотларни турли даражада яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилганда;

ижара тўловлари ўз вақтида тўлаб келинганда.

29³. Давлат кўчмас мулк объектнинг бошланғич баҳоси белгиланган тартибда аниқлангандан кейин уч кун муддатда, сотувчи ушбу давлат кўчмас мулк объектини ижарага олган ижарачини ёзма равишда (шахсан тилхат орқали ёки почтадан топширилганлиги маълум қилинадиган, шу жумладан электрон почтадан буюртма хат орқали) хабардор қилади.

29⁴. Ижарачи томонидан давлат кўчмас мулк объектини тўғридан-тўғри сотиб олиш истагини билдирилган тақдирда, ўн кун муддатда ижара шартномасида назарда тутилган ҳолда ижарага берувчининг ёзма розилигига асосан ижара олинган давлат кўчмас мулк объектини капитал таъмирлаш, модернизация қилиш, объектга бириктирилган ер майдони доирасида теварак-атрофини ободонлаштириш бўйича ишларни амалга оширилганлиги тўғрисида назорат ўлчови натижаларини сотувчига тақдим этади.

29⁵. Тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, сотувчи томонидан беш кун муддатда ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ аниқланадиган нархидан ижара даврида киритилган инвестицияларни чегириб ташлаш ҳисобига мазкур объектни шаклланган қийматда ижарачига таклиф этади.

Ижарачи, сотувчининг таклифи берилгандан сўнг, 20 кундан ошмаган муддатда объектни сотиб олишини тасдиқлаши ҳақидаги маълумотни ҳамда ижара даврида ижарачи томонидан кўчмас мулк объектига қилинган харажатларини тасдиқловчи мустақил аудиторлик ташкилоти ҳисоботини тақдим этади.

Бунда:

давлат кўчмас мулк объектининг ижарачисига унинг ижара даврида фойдаланилган қисмига мос қисми таклиф этилади, бир объектдан (унинг қисмларидан) бир неча ижарачи фойдаланган тақдирда, уларнинг ҳар бирига объектнинг ўзлари томонидан фойдаланган қисми (ушбу қисмларнинг ҳар биридан мустақил фойдаланиш имкониятини назарда тутган ҳолда) таклиф этилади;

давлат кўчмас мулк объектининг ижарачиси жами майдоннинг 50 фоиз ёки ундан ортик қисмидан ижара асосида фойдаланган тақдирда, унда ижарачи объектни тўлиқ ҳолда сотиб олиш таклифини сотувчига бериши, сотувчи томонидан эса объект унинг ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ аниқланадиган нархидан ижара даврида киритилган инвестицияларни чегириб ташлаш орқали шаклланган қийматда тўлиқ ҳолда сотиш таклиф этилиши мумкин;

объектга қилинган харажатларнинг аудиторлик ташкилоти томонидан аниқланган қийматидан давлат кўчмас мулки объектининг ажратиб бўлмайдиган таркибий қисми ҳисобланмайдиган мол-мулклар қиймати чиқариб ташланиши лозим;

объектнинг ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ аниқланадиган нархидан ижара даврида қилинган харажатларнинг аудиторлик ташкилоти томонидан аниқланган қийматини чегиришда аввал ижарачига ижара ҳақи юзасидан берилган чегирмалар қиймати инобатга олиниши лозим.

29^б. Ижарачи томонидан давлат кўчмас мулк объектини сотиб олишни рад этган ёки ижарачи хабардор қилинган кундан бошлаб ўн иш куни муддатида Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармасининг мурожаатига жавоб бермаган ёхуд ўн кун муддатда олди-сотди шартномасини тузмаган тақдирда ушбу давлат кўчмас мулк объекти мазкур Низом билан белгиланган тартибда оммавий савдоларга чиқарилади.

Давлат кўчмас мулки объектини (унинг қисмларини) ижарачи (ижарачилар) томонидан сотиб олиниши эҳтимолини инобатга олган ҳолда, сотувчи объект қийматини тўлиқ ҳолда ҳамда ижара асосида фойдаланилаётган қисми (қисмлари)ни қийматини алоҳида кўрсатган ҳолда аниқланишини таъминлайди.

Ижарачи ижара асосида давлат кўчмас мулки объектининг тўлиқ майдонидан фойдаланмаган ва фақат ўзи томонидан фойдаланилган қисмини сотиб олиш истагини билдирган тақдирда, сотувчи томонидан давлат кўчмас мулки объектининг тегишли қисмлари бўйича алоҳида кадастр ҳужжатлари белгиланган тартибда шакллантирилади ва кейин сотилиши таъминланади”;

83-банднинг саккизинчи хатбошисидаги “низоларни ҳал қилиш тартиби” сўзлари “олди-сотди шартномаси доирасида юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан, биринчи навбатда медиация тартиб-таомилини амалга ошириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

90-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“90. Давлат кўчмас мулк объектлари харидорнинг чегирмани бериш ҳақидаги ёзма (электрон) аризасига мувофиқ, сотиб олиш тўловлари бир ой муддатда тўланишини назарда тутувчи олди-сотди шартномаси тузилиб, харид тўловлари шартнома тузилган кундан бошлаб бир ой давомида тўланган тақдирда, харидорга харид суммасидан мазкур шартнома тузилган санада кучда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдорида чегирма берилади, бундан чегирма қўлланилмаслик шарти билан сотилган, шунингдек бошланғич нархи пасайтирилган ҳолда сотилган давлат кўчмас мулк объектлари мустасно.

Бунда харидорга сотиб олиш тўловларини мазкур чегирмани қўллаган ҳолда тўлаш имкони берилади”;

107-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“107. Давлат кўчмас мулк объектларини савдоларда сотишда юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан, биринчи навбатда медиация тартиб-таомили амалга оширилади.

Медиатив келишувга эришилмаган тақдирда, низолар ва даъволар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади”;

1-илованинг 2-босқичида:

“Субъектлар” устунидан “давлат ва хўжалик бошқаруви органлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

“Тадбирлар” устунининг биринчи-учинчи хатбошилари куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тасдиқланган Дастурга мувофиқ давлат кўчмас мулки объектини инвентаризациядан ўтказиш тўғрисида балансда сақловчига ёзма талабнома юбориш.

Давлат кўчмас мулк объектнинг мол-мулкни инвентаризациясини ташкил қилиш ва ўтказиш, балансда сақловчи томонидан инвентаризациядан ўтказиш далолатномаларини расмийлаштириш.

Балансда сақловчи томонидан тақдим этилган материаллар ва ҳужжатлар кўриб чиқиш”;

“Бажариш муддатлари” устунининг биринчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Беш иш куни”;

4 – 9-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарорида:

а) 2-банддаги “Давлат рақобат кўмитаси” сўзлари “Давлат активларини бошқариш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

2-банднинг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“2. Ушбу Низом банкларга ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди”;

33-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлигидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 июлдаги 514-сон қарорининг 3-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“3. Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ДЙХХХ ходимлари томонидан солинадиган жарималар суммасининг 10 фоизи;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммасининг (Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ажратилиши белгиланган қисмининг) 1,5 фоизи;

автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома беришдан тушадиган маблағлар.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари фақат куйидагилар учун мақсадли сарфланади:

ДЙХХХ ходимларини ҳар ой пул билан мукофотлаш;

Маъмурий амалиёт маркази ва унинг филиаллари ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди молиялаштириш ҳамда уларни рағбатлантириш;

ДЙХХХ моддий-техник базасини ривожлантириш ва қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадларда фойдаланиш”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилинишини ва унинг ишлашини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 декабрдаги 971-сон қарорида:

а) 3-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“3. Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида электрон меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

б) 6-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ЯММТ” ИДАКдан туманларда (шаҳарларда) фойдаланиш бўйича маслаҳатчи мутахассисларнинг функциялари туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари мутахассислари томонидан амалга оширилади”;

в) 1-иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида электрон меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида низом”;

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида ходимлар билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини электрон шаклда тузиш (кейинги ўринларда – электрон меҳнат шартномалари), уларга ўзгартириш ва қўшимча киритиш, қоғоз шаклида тузилган меҳнат шартномаларини рўйхатга олиш, электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди”;

2-бандда:

иккинчи хатбоши “у орқали” сўзларидан кейин “тузилган” сўзи билан тўлдирилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказиш – меҳнат ҳақидаги қонунчилик талабларига мувофиқ иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган қоғоз шаклдаги меҳнат шартномаси тўғрисидаги маълумотларни “ЯММТ” ИДАКга киритиш жараёни;

ходимнинг электрон меҳнат дафтарчаси – жисмоний шахснинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон ҳужжат бўлиб, у меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан электрон шаклда тузилганлиги ёки қоғоз шаклидаги меҳнат шартномаси рўйхатдан ўтказилганлиги, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлиги, ўзини ўзи банд қилганлиги, ишсиз ва банд бўлмаган шахсларнинг жамоат ишларига жалб қилинганлиги, вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетаётган фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган ижтимоий солиқ тўғрисидаги маълумотлар асосида “ЯММТ” ИДАКда шакллантирилади, шунингдек, унда ходим тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, маълумоти, касби, мутахассислиги), ишга жойлашиш даврлари (ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш), ҳисобланган иш ҳақи, шунингдек, жисмоний шахснинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан тўланган солиқлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади”;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“иш берувчининг шахсий кабинети – рўйхатдан ўтган иш берувчиларга ходимлар билан электрон меҳнат шартномаларини тузиш, бекор қилиш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда қоғоз шаклида тузилган меҳнат шартномаларини, уларни бекор қилишни, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, иш ўринлари, бўш иш ўринлари ва ходимлар ҳақидаги маълумотларни киритиш имконини берувчи “ЯММТ” ИДАКнинг ёпиқ бўлими”;

тўққизинчи хатбоши “жисмоний шахсларга ўзларининг” сўзларидан кейин “электрон меҳнат шартномаларини имзолаш, улардан нусха олиш,” сўзлари билан тўлдирилсин;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқланадиган маълумотлар – “ЯММТ” ИДАКка иш берувчининг “Ташкилот кабинети” орқали, жисмоний шахснинг шахсий кабинети орқали киритиладиган барча маълумотларнинг тўғрилиги ва шаффофлигига улар томонидан электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) ёрдамида қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланадиган электрон маълумотлар”;

қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“электрон меҳнат шартномаси – ходим ва иш берувчи ўртасидаги тарафларнинг ўзаро ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгиловчи, қонунчиликда белгиланган тартибда “ЯММТ” ИДАКда тузилган ҳамда ЭРИ ёрдамида тасдиқланган ёзма меҳнат шартномаси”;

3-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Меҳнат муносабатларини, шу жумладан, электрон меҳнат шартномаларини тузиш, уларни бекор қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда ҳамда қоғоз шаклида тузилган меҳнат шартномаларини, уларни бекор қилишни ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказишда “ЯММТ” ИДАКдан фойдаланиш ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, барча иш берувчилар учун мажбурийдир, Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги, шунингдек, штат жадвали махфий бўлган иш берувчилар бундан мустасно”;

6-банддаги “Бандлик ва меҳнат муносабатлари” сўзлари “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. “ЯММТ” ИДАКда электрон меҳнат шартномаларини тузиш (бекор қилиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш) иш берувчи томонидан амалга оширилади, қоғоз шаклидаги меҳнат шартномасини (бекор қилишни, ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни) рўйхатдан ўтказиш функцияси раҳбар ёки у томонидан белгиланган бошқа шахсга юкланиши мумкин”;

23 ва 24-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

“23. Электрон меҳнат шартномаси тузилгунига қадар ёки қоғоз шаклида тузилган меҳнат шартномаси рўйхатдан ўтказилгунигача янги киритилган иш ўрнининг мақоми автоматик равишда бўш иш ўрни деб белгиланади.

24. Иш ўрни тўғрисида маълумот киритилганидан сўнг электрон меҳнат шартномаси тузишга ёки қоғоз шаклида тузилган меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказишга рухсат берилади”;

куйидаги мазмундаги 3¹-боб билан тўлдирилсин:

“3¹-боб. Электрон меҳнат шартномасини тузиш

24¹. Электрон меҳнат шартномалари иш берувчи ва ходим ўртасида “ЯММТ” ИДАКда тузилади.

24². “ЯММТ” ИДАКда электрон меҳнат шартномалари меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иш берувчи томонидан шакллантирилади ва тарафлар ўртасидаги келишувга кўра ЭРИ ёрдамида имзоланади.

Бунда иш берувчи ва ходим ўртасида имзоланган электрон меҳнат шартномасини ходим ўзининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали юклаб олиши мумкин”;

25-банд “Иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган” сўзларидан кейин “қоғоз шаклидаги” сўзлари билан тўлдирилсин;

26-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“26. Иш берувчи қоғоз шаклида тузилган меҳнат шартномаси тўғрисида киритилган маълумотларни ЭРИ ёрдамида тасдиқлайди. Меҳнат шартномаси тўғрисида киритилган маълумотлар иш берувчининг ЭРИси билан тасдиқланмаган тақдирда, меҳнат шартномаси рўйхатдан ўтказилмаган деб ҳисобланади”;

5-боб номи ва 29-банддаги “битимни” сўзи “келишувни” сўзи билан алмаштирилсин;

30-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“30. Меҳнат шартномасига қўшимча келишув бўйича киритилган маълумотлар иш берувчи томонидан ЭРИ ёрдамида тасдиқланади. Меҳнат шартномасига қўшимча келишув иш берувчининг ЭРИси билан тасдиқланмасдан рўйхатдан ўтказилган тақдирда, қўшимча келишув рўйхатдан ўтказилмаган ҳисобланади”;

32-банддаги “битимга” сўзи “келишувга” сўзи билан алмаштирилсин;

41-банд “иш ўрнига” сўзларидан кейин “электрон меҳнат шартнома тузилмаган ёки қоғоз шаклидаги” сўзлари билан тўлдирилсин;

43-банд “бўш иш ўрнига” сўзларидан кейин “электрон меҳнат шартнома тузилмаган ёки қоғоз шаклидаги” сўзлари билан тўлдирилсин;

45-банддаги “Иш ўрни меҳнат шартномаси” сўзлари “Иш ўрни электрон меҳнат шартнома тузилмаган ёки қоғоз шаклидаги меҳнат шартномаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

52-банднинг учинчи хатбошисидаги “тузилган” сўзи “электрон меҳнат шартномаси тузилганидан сўнг ёки қоғоз шаклида тузилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

58-банддаги “Бандлик ва меҳнат муносабатлари” сўзлари “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг:

3-босқич:

“Ҳаракатлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон меҳнат дафтарчасида электрон меҳнат шартномаларини тузиш, урани бекор қилиш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, қоғоз шаклидаги меҳнат шартномасини тузишни, уларни бекор қилишни ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда шакллантириш”;

“Муддатлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон меҳнат шартномаси тузилгандан ёки қоғоз шаклида тузилган меҳнат шартномаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг”;

изоҳдаги “Молия” сўзи “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илова номидаги “Бандлик ва меҳнат муносабатлари” сўзлари “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги 366-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги “2025” рақами “2026” рақами билан алмаштирилсин;

б) 12-29 иловаларнинг “Илмий ходимларнинг штат бирлигидаги сони” устунида:

“2023-2024 йй.” кичик устуни “2023-2025 йй.” кичик устуни билан алмаштирилсин;

“2025 йилдан бошлаб” кичик устуни “2026 йилдан бошлаб” кичик устуни билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарори билан тасдиқланган Туристик хизматларни сертификатлаштириш ва туристик индустрия объектларини таснифлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандида:

а) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Жойлаштириш воситаси, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари бўйича туризм фаолиятини фақат белгиланган тартибда тегишли сертификатлар олингандан кейин ва уларнинг амал қилиш муддати давомида амалга ошириш мумкин, ушбу банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”;

б) куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Касаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйлари ва дам олиш зоналари жойлаштириш воситалари сифатида мажбурий сертификатлаштиришдан озод этилади”;

иккинчи – бешинчи хатбошилар тегишлича учинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарорида:

а) 1-илованинг 7-бандида:

куйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари юзасидан олинган маълумотлар”;

ўнинчи хатбоши ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

19-бандда:

куйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар бўйича аниқланган қалбаки ва контрафакт ҳолатлар ҳамда маркировкалаш қоидалари бузилганлиги юзасидан текширувларни тадбиркорлик субъектларини хабардор қилмасдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни текшириш кунида хабардор қилган ҳолда ўтказиш;

мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ текширувларини ўтказиш”;

олтинчи – йигирма саккизинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи – ўттизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

57-бандда:

куйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“солиқ инспекторлари томонидан ўз хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар бўйича қалбаки ва контрафакт ҳолатлар ҳамда маркировкалаш қоидалари бузилганлиги аниқланганда”;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

95-банд куйидаги мазмундаги ўнинчи – ўн тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи 2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус курилмалардан фойдаланмаган ҳолда, товар сотиш ҳолатлари солиқ органлари базаси маълумотлари асосида аниқланганда, ушбу тадбиркорлик субъектлари шахсий кабинетини орқали ҳолат юзасидан огоҳлантирилади;

икки марта огоҳлантиришдан сўнг қонун бузилиши бир ой ичида қайта такрорланган тақдирда, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилган чоракдаги фаолият юзасидан солиқ текшируви тайинланади;

солиққа оид ҳуқуқбузарлик солиқ текшируви якунлангач бир ойдан кейин қайта такрорланганда, тадбиркорлик субъектлари хабардор қилинмасдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил текшириш кунида хабардор қилинган ҳолда солиқ текшируви тайинланади;

мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари орасидан ҳар бир ҳудуд кесимида ҳар чоракда инсон омилсиз автоматик тарзда камида 10 фоизи танлаб олинади ва уларда назорат тадбирлари ўтказилади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган субъектлар фаолияти кейинги уч чорак давомида назорат қилиб борилади”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 4 майдаги 273-сон қарорида:

а) 4-банднинг учинчи хатбошисидаги “2025” рақами “2026” рақами билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг “Илмий ходимлар штат бирликлари сони” устунда:

“2023-2024 йй.” кичик устунини “2023-2025 йй.” кичик устунини билан алмаштирилсин;

“2025 йилдан бошлаб” кичик устунини “2026 йилдан бошлаб” кичик устунини билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Нурафшон шаҳрида Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг маъмурий биносини қуриш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 июлдаги 452-сон қарорида:

а) 2-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

мазкур қарорга иловага мувофиқ тасдиқланган рўйхатдаги бино ва иншоотлар белгиланган тартибда баҳоланган қийматда “E-auction” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилишини;

бино ва иншоотларни сотишдан тушадиган маблағларни (сотиш билан боғлиқ харажатлар чегирилган ҳолда), Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилишини таъминласин”;

б) қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

“3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги мазкур қарорга иловага мувофиқ тасдиқланган рўйхатдаги бино ва иншоотларни сотишдан тушадиган маблағлар Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг махсус шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилишини ва Нурафшон шаҳрида белгиланган тартибда ажратилган ер майдонида бошқарманинг маъмурий биноси қурилишини молиялаштиришга йўналтирилишини таъминласин”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 28 августдаги 548-сон қарорида:

а) номидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг функционал вазифаларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади”;

в) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 2-бандда:

биринчи хатбошидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидан “ҳамда уни баҳолаш” сўзлари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 1-иловада:

номидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддаги “жавобгарлиги ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини” сўзлари “жавобгарлигини” сўзи билан алмаштирилсин;

5, 14-бандлар ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 2-иловада:

номидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддаги “жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини” сўзлари “жавобгарлигини” сўзи билан алмаштирилсин;

5, 14-бандлар ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 3-иловада:

номидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддаги “жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини” сўзлари “жавобгарлигини” сўзи билан алмаштирилсин;

5, 14-бандлар ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

и) 4-иловада:

номидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддаги “жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини” сўзлари “жавобгарлигини” сўзи билан алмаштирилсин;

5, 15-бандлар ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

к) 5-иловада:

номидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддаги “жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини” сўзлари “жавобгарлигини” сўзи билан алмаштирилсин;

5-банд ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

15-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

л) 6-иловада:

номидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддаги “жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини” сўзлари “жавобгарлигини” сўзи билан алмаштирилсин;

5-банд ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

14-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

м) 7-иловада:

номидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари вазифалари” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддаги “жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини” сўзлари “жавобгарлигини” сўзи билан алмаштирилсин;

5, 15-бандлар ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

н) 8-иловада:

номидан “ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддаги “жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини” сўзлари “жавобгарлигини” сўзи билан алмаштирилсин;

5, 13-бандлар ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 28¹-банд билан тўлдирилсин:

“28¹. 2025 йил 1 февралдан бошлаб, бошланғич нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача бўлган давлат активларини, ер участкаларини ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарнинг мулкларини сотиш ва ижарага бериш бўйича ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдолари жараёнида, иштирокчилар томонидан учинчи қадамдан бошлаб шахсий ҳисобварағида камида уларнинг нарх таклифига нисбатан амалдаги закатат миқдоридаги суммага эга бўлиш тартиби киритилади. Бунда ушбу маблағлар закатат сифатида ҳисобга олинади”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) қуйидаги мазмундаги 17¹-банд билан тўлдирилсин:

“17¹. Аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкаларининг бошланғич нархини белгилашда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий туридан келиб чиққан ҳолда 1а-иловада кўрсатилган оширувчи ва камайтирувчи коэффициентлар қўлланилади”;

б) 21-банд қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) ер участкаларининг бошланғич нархини белгилашда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий туридан келиб чиққан ҳолда оширувчи ва камайтирувчи коэффициентлар қўлланилади”;

в) 22-бандда:

ўн учинчи хатбоши “ер солиғи ҳисобини юритиш бўйича ахборот базасидан” сўзларидан кейин “интеграция орқали” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ер участкаларининг бошланғич нархини белгилашда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий туридан келиб чиққан ҳолда оширувчи ва камайтирувчи коэффициентлар қўлланилади”;

г) қуйидаги мазмундаги 1а-илова билан тўлдирилсин:

“Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 1а-ИЛОВА

Аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкаларининг бошланғич нархини белгилашда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий туридан келиб чиққан ҳолда оширувчи ва камайтирувчи коэффициентлар

Т/р	Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланиш турининг номи	Қўлланилган коэффициент миқдори
1	Ижтимоий соҳа ва жамоавий фойдаланиш	0,6
2	Ўрмонлардан фойдаланиш	0,7
3	Сув объектлари	0,8
4	Турар-жой қурилиши	0,9
5	Мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш, тақсимланмаган ерлар, захира	1
6	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация	1,1
7	Транспорт	1,2
8	Ишлаб чиқариш фаолияти	1,3
9	Бизнес бошқаруви, савдо, умумий овқатланиш ва хизматлар кўрсатиш	1,4

”

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 5-иловада:

5-позициянинг учинчи устунни “в” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) юридик шахс штатида “туризм” ва унга турдош таълим йўналишлари бўйича олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар, профессионал маълумотга ёхуд туризм соҳасида 3 йилдан ортиқ иш стажини ва малака ошириш сертификатига эга бўлган камида бир нафар мутахассиснинг мавжуд бўлиши”;

9-позициянинг учинчи устунни “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) юридик шахс штатида “туризм” ва унга турдош таълим йўналишлари бўйича олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар, профессионал маълумотга ёхуд туризм соҳасида 3 йилдан ортиқ иш стажини ва малака ошириш сертификатига эга бўлган камида бир нафар мутахассиснинг мавжуд бўлиши;*”.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда:

а) 3-банднинг саккизинчи хатбошисидagi “32” рақами “33” рақами билан алмаштирилсин;

б) 31-илованинг 9-позицияси учинчи устунидаги “о” кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) қуйидаги мазмундаги 33-илова билан тўлдирилсин:

“Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор этиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
33-илова

Пиво маҳсулотининг чакана савдоси фаолияти ПАСПОРТИ

1.	Хабарнома номи:	Пиво маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома.
2.	Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:	Пиво маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш.
3.	Хабардор қилувчи тоифаси:	Юридик шахс.
4.	Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):	Туман (шаҳар) солиқ инспекциялари.
5.	Хабарномани юбориш тартиби:	“Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали.
6.	Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:	а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР; б) почта ҳамда электрон почта манзили; в) фаолият амалга ошириладиган жой манзили, кадастр рақами, банк муассасасининг номи ва банк ҳисобварағи, СТИР, телефон рақами; г) онлайн назорат касса ёки виртуал кассанинг фискал модул рақами.
7.	Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):	Солиқ қўмитаси; Адлия вазирлиги.
8.	Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:	Йиғим ундирилмайди.
9.	Пиво маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун тўланадиган йиғим миқдори:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи.

10.	Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:	<p>а) таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан тўғри чизик бўйлаб юз метрдан кам масофада жойлашмаган бўлиши, савдо объекти умумий савдо майдони минг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо мажмуаларининг (бозорларнинг) ва ярмарка павильонларининг худудида жойлашган ҳоллар бундан мустасно;</p> <p>б) ўзига мулк ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган ёки ижарага олинган турғун шохобча бўлиши;</p> <p>в) жамоат транспорти тўхташ жойларида, шу жумладан, метрополитен бекатларида, жамоат жойларида ва дам олиш жойларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари худудларида, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналарида, шунингдек, автобекатларда жойлашмаган бўлиш;</p> <p>г) қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалардан, шунингдек, банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланган бўлиш;*</p> <p>д) электрон ҳисоб-фактурадан мажбурий тартибда фойдаланиш; мажбурий рақамли маркировка қодаларига риоя қилиш;*</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ЎРҚ-844-сон Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қодалари талабларига қатъий риоя қилиш;</p> <p>пиво ичимликлари ёки алкоголь маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик субъектларидан пиво маҳсулотларини электрон ҳисоб-фактурага асосан харид қилиш ва ОНKM орқали савдо ҳамда рақамли маркировка қодаларига риоя қилган ҳолда сотиш;*</p> <p>пиво маҳсулотлари сотиладиган жойларда уларнинг йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга сотилишига йўл қўйилмаслиги*.</p>
11.	Изоҳ:	<p>Пиво маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни бошлаганлик ҳақидаги хабарнома ҳар бир чакана савдо объекти учун алоҳида юборилади.</p> <p>Пиво маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун йиғим пиво маҳсулотларини сотиш бошланганлиги тўғрисида хабарнома юборилган вақтдан бошлаб тўланади. Бунда хабарнома ойнанинг йигирманчи санасигача юборилганда йиғим жорий ой учун тўлиқ ҳажмда, хабарнома ойнанинг йигирманчи санасидан кейин юборилганда кейинги ойнанинг биринчи санасидан бошлаб ҳисобланади.</p> <p>Пиво маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш фаолияти тўхтатилганда ёки тугатилганда, йиғим ҳисобланиши кейинги ойнанинг биринчи санасидан бошлаб тўхтатилади.</p> <p>Пиво маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун йиғим ҳар ойда олдиндан тўлов шаклида жорий ойнанинг ўнинчи санасига қадар тўланади.</p> <p>* Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.</p>

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги 311-сон қарорида:

а) 1-илованинг 28-бандида:

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўттиз олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи – ўттиз тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 3-илованинг 27-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Ажратилган маблағларни бошқа йўналишларга йўналтиришга йўл қўйилмайди, мавсум якунида сарфланган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳужжатли тафтиш ўтказилади. Тафтиш якунлари бўйича маълумотлар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади”.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 420-сон қарори билан тасдиқланган Давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда 4 ва 5-тоифаларга киритилган туманларда жойлашган мулк ҳуқуқи асосида сотиб олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш учун дастлабки тўлов миқдори 15 фоиз миқдорида бўлганда амалга оширилади”;

б) 7-банднинг иккинчи хатбошиси “амал қилинади” сўзларидан кейин “бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин.

в) илованинг 1-босқич “Тадбирлар” устун қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат активи ва (ёки) ер участкаси учун савдо якунланган (қарор асосида олди-сотди шартнома тузилган) кундан бошлаб дастлабки тўловни бир йўла (закалат тўловини инобатга олган ҳолда камида 35 фоиз, 4 ва 5-тоифаларга киритилган туманларда жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари учун 15 фоиз тўловларни) амалга ошириш”.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги йирик корхоналар акцияларини фонд биржасида бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш тўғрисида” 2022 йил 15 августдаги 446-сон қарорининг 4-бандида:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Халқ IPOси доирасида маҳаллий инвесторлар (жисмоний ва юридик шахслар)дан буюртмаларни қабул қилиш “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ҳам амалга оширилади”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 22 августдаги 465-сон қарорида:

а) номидаги, 2 ва 5-бандлардаги “Спортни ривожлантириш” сўзлари “Спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

номи ва 1-банддаги “Спортни ривожлантириш” сўзлари “Спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

6-банддаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” ва “Молия вазирлиги” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” ҳамда “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг учинчи хатбошисидаги Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бобда:

12-банднинг ўн саккизинчи хатбошисидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

3-параграф номидаги, 14-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги ҳамда 15-банднинг биринчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-параграф номидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

16-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилардаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг биринчи ва ўн еттинчи хатбошиларидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

4-бобда:

4-параграф номидаги, 25 ва 26-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-параграф номидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

27-бандда:

биринчи хатбошидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

28-бандда:

биринчи хатбошидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармаларига” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бош бошқармаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

29-банднинг биринчи ва ўттининчи хатбошиларидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

32-банднинг йигирма иккинчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш” сўзлари “Спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

33-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

34-бандда:

биринчи хатбошидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

еттинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи–ўн иккинчи хатбошилардаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

38-банднинг биринчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

39-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

44-банднинг учинчи–бешинчи ва еттинчи хатбошиларидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

45-банддаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

65-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

68-банднинг “а” кичик бандидаги “Спортни ривожлантириш” сўзлари “Спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

69-банднинг биринчи хатбошисидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг илова белгиси ва номидаги “Спортни ривожлантириш” сўзлари “Спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

1а-иловада:

илова белгисидаги “Спортни ривожлантириш” сўзлари “Спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

номидаги “Спортни ривожлантириш”, “спортни ривожлантириш” сўзлари тегишлича “Спорт”, “спорт” сўзлари билан алмаштирилсин;

матндаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

1б-иловада:

илова белгисидаги “Спортни ривожлантириш” сўзлари “Спорт” сўзи билан алмаштирилсин;

номидаги “спортни ривожлантириш” сўзлари “спорт” сўзи билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 22 сентябрдаги 492-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“давлат органлари электрон платформани жорий қилиш ва юритиш бўйича сарф-харажатларни ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шунингдек, юқоридаги манбалар мавжуд бўлмаган ҳолларда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширади”.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрелдаги 180-Ф-сон фармойишининг рус тилидаги матнида:

а) Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида алоҳида муҳим йўловчиларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг 5-банди қуйидаги мазмундаги 5.4¹-кичик банд билан тўлдирилсин:

“5.4¹. Заместители директора Агентства развития государственной службы при Президенте Республики Узбекистан”;

б) Ўзбекистон Республикаси аэропортларида расмий делегацияларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг 5-банди куйидаги мазмундаги 5.4¹-кичик банд билан тўлдирилсин:

“5.4¹. Заместители директора Агентства развития государственной службы при Президенте Республики Узбекистан”.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 июндаги 299-Ф-сон фармойишининг 4-бандида:

а) иккинчи хатбошидаги “Агентлик” сўзи “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 мартдаги 143-Ф-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясига мулк ҳуқуқи асосида ўтказиладиган Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ва дам олиш масканлари рўйхатида:

а) “Тошкент вилояти” бўлимининг 10-позицияси “Сижжак” дам олиш оромгоҳи” сўзларидан кейин “**” белгиси билан тўлдирилсин;

б) Рўйхатдан кейин куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“** оромгоҳдаги Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан қабул қилинган мол-мулклар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясига мулк ҳуқуқи асосида ўтказиб берилади”;

в) иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Изоҳ. Мазкур илованинг 14-банди ҳамда 15-банднинг “в” кичик банди 2025 йил 27 мартдан бошлаб кучга киради.

